

Сийрат дарслари (121-дарс). Шайтон инсоннинг қонюрар жойида юради



14:00 / 29.01.2021 5214

471. Алий ибн Ҳусайндан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари София розияллоҳу анҳо айтди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикоф ўтирган эдилар. Кечаси у зотнинг зиёратларига келдим, бироз гаплашдим, сўнг уйим томон турдим. У киши кузатгани мен билан турдилар. (Унинг маскани Усома ибн Зайднинг ҳовлиси ўрнида эди.) Шу пайт ансорлардан икки киши ўтиб қолди. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, тезлаб кетишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Шошманглар, бу (аёл) София бинт Ҳуяй**», дедилар. «Субҳаналлоҳ, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. «**Албатта, шайтон инсоннинг қонюрар жойида юради. Мен қалбларингизга шайтон**

бирор нарса солиб қўйишидан қўрқдим», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

472. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзилари тушларида Қадр кечасининг охири етти (кеча)да эканини кўришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларнинг тушингиз охири етти кечага мувофиқ келаётганини кўряпман. Ким, у(кеча)ни излайдиган бўлса, охири етти (кеча)дан изласин»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Бир киши Қадр кечаси йигирма еттинчи кеча эканини туш кўрди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларнинг тушингиздаги охири ўн(кун)ликда эканини кўряпман. Демак, уни тоқ (кеча)да изланг»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқасида шундай дейилган: **«Уни – яъни Қадр кечасини – охири ўн(кун)ликда изланг. Агар бирортангиз заифлашса ёки ожиз бўлса, қолган еттида енгилиб қолмасин»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан